

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!
Аввало, сиз, азиятларни, кўпмиллатли бутун халқимизни қутлуг айём — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бутун дунё қатори юртимизда ҳам давом этаётган коронавирус пандемияси сабабли бу йил ҳам Конституция кунига бағишланган тантанали маросимларни кенг миқёсда ўтказишнинг, афсуски, имкони бўлмапти. Лекин бу байрам қалбларимизга қувонч ва шукҳ бағишлаб, оилаларимизда, меҳнат жамоалари, таълим масканлари, маҳаллаларда шоду хуррамлик билан нишонланмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳаётимиз қомуси бўлган Конституциямиз мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келаётганини ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Айнан Конституциямизга таяниб, биз бундан беш йил олдин мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича кенг қўлмали ислохотларни бошладик. Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси бутунлай ўзгарди. Эркинлик ва очиқлик, қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди.

Биз Конституциямизда муҳрлаб қўйилган ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш ғоясига содиқ қолиб, шу йўлда кенг қўлмали улкан ишларни амалга оширдик, катта билим ва тажриба тўпладик.

Аввало, **“Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”** деган конституциявий қоидадан келиб чиқиб, халқ билан доимий мулоқот қилиш фаолиятимиз мезони этиб белгиланди, давлат идоралари раҳбарлари фуқаролар олдида ҳисобот берадиган самарали тизим йўлга қўйилди.

Давлат органлари фаолиятида очиқлик ва ошқоралик тобора кенгайиб бормоқда. Сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, барча мансабдор шахслар қуйи бўғинга, маҳалла даражасига тушиб, аҳоли билан бевосита учрашиб, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этмоқда.

Муҳим қарор ва қонунлар лойиҳаларини, бюджет маблағларидан оқилон фойдаланиш, давлат харидлари масалаларини муҳокама қилиш жараёнида бугун фуқароларимиз фаол иштирок этмоқда. Шу асосда давлат ташкилотлари ва фуқаролик институтлари ўртасидаги ҳамкорлик ва жамоат назорати янги босқичга кўтарилмоқда.

Юрtdошларимиз учун мамлакатнинг хоҳлаган ҳудудида эмин-эркин яшаш, уй-жой ва қўчмас мулк сотиб олиш, фуқароликка эга бўлиш, билим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиб, даромад топиш, турли давлат хизматларидан фойдаланишга оид кенг имкониятлар яратилмоқда. Энг муҳими, бундай ўзгаришларни ҳар бир инсон кундалик ҳаётида кўрмоқда, ҳис этмоқда.

Айниқса, давлат томонидан Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини чет элларда ҳам таъминлаш бўйича бошлаган ишларимиз хоризжда яшаётган юрtdошларимизнинг Ватанимизга бўлган меҳри ва ишончини оширишга хизмат қилмоқда.

Бундай натижаларга эришишда Конституция ва қонунларимиз талабларидан келиб чиқиб,

иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, тиббиёт ва таълим соҳаларидаги муаммолар, мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати, ишсизлик, камбағаллик, коррупцияга қарши кураш масалалари кенг жамоатчилигимиз иштирокида ҳал этилаётгани муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида жорий этилган “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш тизимлари дастлабки ижобий натижасини бераётганини таъкидлаш лозим. Айниқса, муҳтарам фахрийларимиз, хотин-қизлар, ёшлар, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳаллий кенгашлар фаолияти ҳам жонланмоқда. Шу йилнинг ўзида ушбу тузилмалар орқали фуқароларнинг 29 мингдан зиёд муаммолари ижобий ҳал этилгани, ўз вазифасини масъулият билан адо этаётган раҳбарларга нисбатан тегишли қонуний чоралар кўрилатгани ҳам шундан далolat беради.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутадиган суд тизимида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, назорат инстанцияси бекор қилиниб, фуқаролар ва адвокатларнинг шикоятлари ҳам, ҳудди прокурор протести каби, тўғридан-тўғри кўриладиган тартиб ўрнатилди.

Илк бор мансабдорларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб турадиган маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилиб, улар орқали жорий йилнинг ўзида 6,5 мингдан ортиқ фуқаро ва тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланди. Иқтисодий ва фуқаролик судларида прокурорнинг иштироки чекланди, жиноят ишларини асоссиз равишда суддан чақириб олиш билан боғлиқ амалиётга барҳам берилди. Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини қучайтириш мақсадида Халқаро тижорат арбитражи фаолияти йўлга қўйилди.

Адвокатларнинг ваколатлари кенгайтирилмоқда, Олий Мажлис ҳузуридаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил — Омбудсман томонидан ташкил этилган жамоатчилик гуруҳлари ўз вазифасини самарали амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Бу йил 4 мингдан ортиқ шахс суд залидан озод қилиниб, 8 мингга яқин фуқарога нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилгани, 859 нафар шахс оқлангани суд-тергов соҳасидаги ислохотларимизнинг энг муҳим натижасидир.

Халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик ва олижаноблик тамойилларига амал қилган ҳолда, билиб-билмай жиноят содир этган, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахсларга нисбатан афв институти мунтазам қўлланмоқда. Шу борадаги ишларимизнинг давоми сифатида Конституция куни арафасида яна бир фармонга имзо чекдим. Унга кўра, шу тоифага мансуб 182 нафар шахс муддатидан олдин озод қилиниб, эркин ҳаётга қайтарилмоқда.


Мамлакатимизда сўз ва виждон эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини жамоатчилик фикрини ифода этадиган “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш борасида муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Турли миллат ва диний конфессиялар вакилларининг ўз тили, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришлари учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Давоми 2-бетда. ▶



ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН



Янги лойиҳа:

РАҲБАРНИНГ
ҚАЛБ
ДАФТАРИ

4 САҲИФА

ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 29 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган гуманистик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида **“Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”**ги Фармонни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **182** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **3** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **108** нафари жазони ўташдан мудда-

тидан илгари шартли озод қилинди, **8** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **63** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартрилди.

Афв этилганларнинг **6** нафарини чет эл фуқаролари, **6** нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, **9** нафарини аёл ҳамда **25** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўмақ бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

ОБУНА — 2022

Энди «Ўзбекистон овози»
газетасига

CLICK ВА Payme

иловалари орқали
обуна бўлишингиз
мумкин.

Нашр
кўрсаткичи —
220.
Боғланиш учун
телефонлар:
(71) 276-20-67, (71) 276-10-91.



Янги Ўзбекистондаги ислохотлар энди ҳеч қачон ортга қайтмайди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Айни вақтда биз Конституциямиз нормаларини ҳаётга тўла татбиқ этиш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг қадр-қимматини янада самарали таъминлаш борасида ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини яхши тасаввур қиламиз. Олдимизда турган вазифаларни амалга ошириш учун Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида кенг кўламли ислохотларимизни изчил давом эттираамиз.

Аввало, Стратегияда белгиланган мақсад ва вазифаларни ҳаётга жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиб, демократик янгиланишларни қучайтиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Парламент ва маҳаллий кенгашлар ваколатларини янада кенгайтириш, ижро органлари устидан вакиллик назоратини қучайтириш, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Айниқса, ҳудудларни ривожлантиришда маҳаллий кенгашлар ролини ошириш, фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолияти учун зарур шароитлар яратиш эътиборимиз марказида бўлади.

Маъмурий ислохотлар дастурини амалга ошириш борасида давлат органларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаш, ихчам бошқарув аппаратини шакллантириш ва иш юритишни рақамлаштиришга алоҳида аҳамият қаратилади.

Яна бир муҳим вазифа амалдаги жиноят қонунчилигини қайта кўриб чиқишдан иборат. Ҳозирги кунда колониялардаги маҳкумларнинг қарийб 80 фоизи меҳнатга жалб этилган бўлса-да, уларнинг ишлаган йиллари умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланмайди ва пенсия тайинлашда инобатга олинмайди. Ижтимоий адолат тамойилига тўғри келмайдиган бундай чекловнинг бекор қилиниши маҳкумлар томонидан молиявий муҳтожлик туфайли такроран жиноят содир этишнинг олдини олишга хизмат қилган бўлур эди. Шунингдек, жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш учун “дастлабки ёрдам пакети” тизими жорий этилади. Хусусан, ўзининг аниқ тадбиркорлик лойиҳасини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган собиқ маҳкумларга Пробация хизматини ривожлантириш жамғар-

◀ Давоми, бошланлиши 1-бетда.

МУНОСАБАТ

КОНСТИТУЦИЯГА ҲУРМАТ – ВАТАНГА ҲУРМАТ ВА САДОҚАТ ДЕМАКДИР

Ҳар бир мустақил давлатда ички ва ташқи сиёсат, демократия ва ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқлари кафолати, одиллиқнинг таъминлиниши, биринчи навбатда, шу давлатнинг асосий бош қонуни – Конституцияси билан боғлиқдир. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда ҳам Конституцияни яратилди ва қабул қилинди. Натижада ижтимоий ва давлат қурилиши жабҳаларидаги муносабатларни, миллий қонунчилигимизнинг барча соҳаларини тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий механизм яратилди.

Бош қомусимизда, айниқса инсон омили юксак даражага кўтарилган. Яъни, унда ҳар бир шахснинг яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Ҳеч бир фуқаро қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги аниқ-тиниқ баён этилган.

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ

баркамол авлодни тарбиялашда дастуруламал

Биз Конституция ҳақида гапирганда доимо уни “асосий қонун”, “бош ҳуқуқий ҳужжат” сифатида эътироф этамиз. Ҳар биримиз Конституциямизнинг мустақил Ўзбекистон давлатчилиги тикланиши ва ривожланишидаги бекиёс ўрни, аҳамиятини юксак қадрлаймиз. Мамлакатимизнинг Асосий қонуни барча соҳадаги ислохотларни амалга ошириш, юртимизнинг бугунги юксак тараққиётини таъминлаш, ҳар биримизнинг умуммиллий ҳамда умуминсоний ғояларни ўзида муҳассам этган мақсадларимизни рўёбга чиқаришда дастуриламал бўлмоқда.

Конституциямизнинг 41-моддасига мувофиқ, ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқига эгаллиги ва бепул умумий таълим олиши давлат томонидан кафолатланishi белгилаб қўйилган. Бугунги глобаллашув, айти пайтда дунёнинг қатор бурчакларида шаклланиш, ҳаюлат ва бошқа иллатлар авж олаётган бир даврда Ўзбекистонда туғилиб ўсаётган ҳар бир бола бепул таълим олиши мамлакат Конституцияси билан ҳимоя қилинган.

Мамлакатимизда Бош қомусимизда белгиланган ушбу нормани амалга ошириш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилаётганини ҳаммамиз кўриб, билиб турибмиз. Ҳозирги вақтда юртимизда аҳолининг асосий қисmini ташкил этаётган навқирон авлоднинг таълим олиши, замонавий касб-ҳунарни эгаллаши, ўз мутахасссслиги бўйича ишлаши ва соғлиғини муҳофаза қилиши, шу билан бирга, оила қуриш, яшаш жойига эга бўлиш каби кўплаб ҳаётий

масидан 10 миллион сўмгача бир марталик моддий ёрдам берилади.

Тараққиёт кушандаси бўлган коррупцияга қарши курашиш, жамиятда унинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатни изчил давом эттираамиз. Бу борада давлат идоралари билан бирга, кенг жамоатчилик, айниқса, фуқаролик жамияти институтларининг куч ва салоҳиятидан самарали фойдаланишга жиддий эътибор қаратамиз.

Азиз дўстлар!

Тараққиёт стратегиясида ўз аксини топаётган, адолатли ва халқларвар давлат барпо этишда муҳим аҳамият касб этадиган вазифаларни амалга ошириш учун, аввало, янги конституциявий макон ҳамда янада мустақкам қонунчилик базаси керак бўлишини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз. Шу маънода, Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислохотларимиз мантиғига мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустақкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланмоқда.

Шу йил Президент сайлови олдидан бўлиб ўтган учрашувларда фуқароларимиз, кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар вакиллари томонидан билдирилган тақлифларда ана шу масала алоҳида қайд этилгани конституциявий ислохотларни объектив зарурат сифатида кун тартибига қўймоқда.

Бу, айниқса, қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлмоқда.

Биринчидан, илгари амал қилиб келган **“давлат – жамият – инсон”** тамойилини **“инсон – жамият – давлат”** деб ўзгартириш, уни миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётимизда мустақкамлаш зарур.

Иккинчидан, иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш бош мезон бўлиши керак. Бу – халқларвар давлат барпо этишнинг энг муҳим шартидир.

Учинчидан, **“Жамият – ислохотлар ташаббускори”** деган эзгу ғоя доирасида Асосий қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустақкамлаш ҳам давр талабидир.

Тўртинчидан, Бош қомусимизда оила институтини ривожлантириш, эзгу инсоний қадриятларимизни келгуси авлодларга беэ-

вол етказиш, миллатлараро тотувликни янада мустақкамлаш бўйича конституциявий асосларни белгилаб қўйишимиз зарур.

Бешинчидан, фарзандларимиз Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида майдонга чиқаётган бугунги кунда Конституциямизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш мақсадида ёшлар соҳасидаги давлат сиёсати, ўғил-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари конституциявий даражада ўз аксини топиши керак.

Олтинчидан, ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш сари дадил бормоқда. Шу сабабли **“Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат”** деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлашнинг вақти-соати етди, деб ўйлайман.

Еттинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги тизимнинг самарасини ошириш мақсадида Конституциямизда болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлар, кекса авлод вакиллариининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш масалалари ҳам ўз аксини топиши зарур.

Саккизинчидан, ҳозирги вақтда кўплаб ривожланган давлатлар, табиатдаги глобал ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўз конституциясига экологияга оид махсус бўлар қиритмоқда. Ўзбекистон Конституциясида ҳам ушбу долзарб масалага доир ҳуқуқий нормалар устувор ўрин эгаллаши лозим.

Тўққизинчидан, Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси бўлмиш боғча, мактаб, олий таълим ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституциявий даражада мустақкамлаб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Албатта, Конституцияни янгилашдек ғоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда биз етти марта эмас, етмиш марта ўйлаб, халқимиз билан ҳар томонлама маслаҳатлашган ҳолда, юртимиз ва жаҳондаги илғор тажрибаларни чуқур ўрганиб, аниқ қарор қабул қилишимиз зарур.

Олий Мажлис палаталари, ҳурматли депутат ва сенаторларимиз, муҳтарам нуронийлар, хотин-қизлар, ёшлар жамоатчилиги, ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимларимиз, илм-фан намояндалари, ижодкор зиёлиларимиз, бутун халқимиз бу масалада ўзининг аниқ фикр ва қарашларини билдирадilar, деб ишонаман.

Атоқли давлат ва сиёсат арбоби Уинстон Черчиллнинг **“Яхши бўлиш учун – ўзгариш керак, яхшиларнинг яхшиси бўлиш учун эса янада кўпроқ ўзгариш керак”**, деган сўзларида, ўйлайманки, теран ҳаётий маъно мужассам.

Дарҳақиқат, бугунги шиддатли давр биздан замонга мос ҳаракат ва ўзгаришларни талаб этмоқда. Ана шундай талабга жавоб берадиган мукаммал Конституцияга эга бўлиш учун Асосий қонунимизнинг янги лойиҳасини тайёрлашимиз, уни умумхалқ муҳокамасига қўйиб, билдирилган тақлифлар асосида такомиллаштириш, ушбу муҳим сиёсий ҳужжатни 2022 йил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллик байрами нишонланадиган кунларда қабул қилиш, ўйлайманки, миллий давлатчиликл аънааларимизга, халқимиз манфаатларига муносиб иш бўлади.

Азиз ва қадрли ватандошлар!

Мана шу улуг айёмда халқимизнинг ди-лидаги бир фикрни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Янги Ўзбекистондаги ислохотлар энди ҳеч қачон ортга қайтмайди.**

Янги Ўзбекистон ғояси эл-юртимизнинг улкан интилиш ва иродаси билан умумхалқ ҳаракатига айланмоқда. Барчамиз ана шу улуг мақсад йўлида янада жипслашиб, ғайрат-шижоат ва масъулият билан фидокорона меҳнат қилсак, қўзлаган юксак марраларимизга албатта етамиз.

Ишончим комил, орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин ғоят қийин ва мураккаб, оғир синовли йилларда Янги Ўзбекистонни бунёд этишга муносиб ҳисса қўшган инсонларни келгуси авлодлар миннатдорлик билан эслайди.

Барчамизга ана шундай буюк бахт ва ша-раф ёр бўлсин!

Жонажон Ўзбекистонимиз доимо гуллаб-яшнасин!

Барча эзгу ишларимизда Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Сиз, азиз ватандошларимни Конституция куни билан яна бир бор чин дилдан табрик-лаб, барчангизга сихат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Юртимизнинг ҳар бир ҳуду-дида ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолатланган тимсол Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29 йиллиги кенг миқёсда нишонланмоқда. Шундай тадбирлардан бири Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабда ташкил этилди.

“Конституция – бахтимиз қомуси” деб номланган ушбу тадбирда агентлик тизимидаги ижодкор ва фаол ўқувчилар, Ватанимиз ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳарбийлар ва элимиз суйган санъаткорлар иштирок этди. Тадбирда Президент таълим муассасалари агентлиги раҳбари Ҳилола Умарова Конституциянинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти хусусида тўхталиб ўтди.

✓ *Бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.*

Тадбирдан ўрин олган бадий қиқишлар давомида ўқувчилар ўз маҳоратларини намоиш этдилар. Томошабинлар ва тадбир меҳмонларига Конституциянинг таркибий тузилмаси ва ундан ўрин олган қиқишларнинг халқ фаровонлигига хизмат қилиши ҳақида маълумотлар берилди.

Шунингдек, тадбир сўнггида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси раҳбарияти иштирокида “Чавандозлик” ҳарбий спорт тўғарагининг очилиши бўлиб ўтди.

Маросимда ўқувчиларнинг жанговар қиқишлари, ҳарбий қуроллардан моҳирона фойдаланиши, душманлардан ҳимояланиш усуллари намоиш этилган сахна кўринишлари барчада бирдек қизиқиш уйғотди.

Агентлик тизимидаги мактаблар ва ҳарбий хизматчилар иштирокида ватанпарварлик дарслари ташкил этилиб, чавандозларни мактабга жалб этган ҳолда ўқувчиларнинг бу спорт турига бўлган қизиқишини ошириш ишлари амалга оширилмоқда. Бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Файзулло ЯҲЁЕВ,
ЎЗА муҳбири

Андижон вилоятида ижтимоий масалаларни ҳал қилиш бўйича қатор натижаларга эришилмоқда.

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС ЖАМОА

КУЧЛИ ДАВЛАТ
ВА ДЕМОКРАТИК
ТАМОЙИЛЛАРГА
АСОСЛАНГАН ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ
ЙЎЛИДАН БОРАЁТГАН
ЎЗБЕКИСТОННИ ЯНАДА
ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШДА
БУГУН СИЁСИЙ
ПАРТИЯЛАР ҲАМ ФАОЛ
ИШТИРОК ЭТМОҚДА.



Яқинда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Халқ демократик партияси кўплаб тарафдорларига эга эканлиги, жамиятда ўз ўрни борлигини намойиш этиш имконига эга бўлди. Сайлов натижалари партиямиз етакчи партиялар қаторида эканини кўрсатди, дейиш учун асослар етарли. Лекин кўзланган натижага эришиш учун хали кўп ишлашимиз, фаолиятимизни танқидий таҳлил қилиб, янги ва реал вазифалар белгилашимиз зарур. ЎЗХДП Андижон вилоят партия кенгаши бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда.

Вилоятда партиямизнинг 45936 нафар аъзоси 887 та бошланғич партия ташкилоти орқали 16 та шаҳар ва туман кенгашларига бирлашган, яъни вилоятнинг барча ҳудудларида партия кенгашлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг самарали фаолияти натижаси ўлароқ, ҳар бир шаҳар, туманнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳлари тuzилишига эришилган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги 14 нафар аъзоси бўлган партия депутатлик гуруҳи вилоят кенгаши билан ҳамкорликда шаҳарлар ва туманлардаги депутатлик гуруҳларига услубий ёрдамлар кўрсатиб бормоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври давомида 123 та масала депутатлик гуруҳларида, 93 та масала доимий комиссия мажлисларида, партия гуруҳлари томонидан киритилган 47 та масала сессияларда кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган. Бу депутатлик гуруҳлари ўз туман, шаҳарларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фаол иштирок этишга интилаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Хусусан, халқ депутатлари Олтинкўл туман Кенгаши сессиясида туман электр таъминоти корхонаси раҳбарининг ҳисоботини эшитиш давомида партия гуруҳи аъзоларининг талабчанлиги билан аҳолининг эътирозларига сабаб бўлаётган камчиликлар айтилиб, очиқ муҳокама қилинди ва уларни бартараф этишга икки ой муддат берилди. Демак, охирида ушбу масъул шахснинг ҳисоботи яна сессияда тингланиши белгиланди. Аксарият туманларда Халқ демократик партияси депутатлари шундай талабчанлик билан фаолият кўрсатмоқдалар.

Партия вилоят, шаҳар, туманлар ходимлари депутатлар билан бирга хонадонма-хонадон юриб ижтимоий оғир вазиятдаги хотин-қизларнинг муаммоларини аниқлаш ва уларнинг ечимига кўмаклашиш ишларида фаол иштирок этишмоқда.

Андижон вилоятида ижтимоий масалаларни ҳал қилиш бўйича қатор натижаларга эришилмоқда.

33 минг нафардан ортиқ хотин-қизга



Албатта, биз ҳам айни кунларда электорат манфаатларига хизмат қиладиган қатор лойиҳаларни муҳокама қиляпмиз. Келгуси йил учун режалар белгилаяпмиз.

моддий, 16 минг нафарига тиббий ёрдам кўрсатилди. 2200 нафардан ортиқ оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар реабилитация техник воситалари билан таъминланди. 3819 нафари тиббиёт муассасалари ва санаторийларда саломатлигини мустаҳкамлади. 2955 нафарига жарроҳлик амалиётини ўтказиши учун ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Уй-жойга муҳтож ногиронлиги бўлган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида 2018-2020 йил ва 2021 йилнинг шу даврига қадар 1 минг 427 нафарга яқин хотин-қиз уй-жой билан таъминланди. Асака туманида 121 та оила учун ижтимоий турар жой барпо этилди.

Вилоятдаги 556 мингтадан ортиқ хонадонларда истиқомат қиладиган 669 мингдан зиёд 30 ёшдан юқори аёллар билан ўтказилган суҳбат натижаларига асосан 9 та йўналишда ёрдамга муҳтож 75 309 нафар хотин-қиз "Аёллар дафтари"га киритилди. Уларнинг 83 фоизига ёрдам кўрсатилди. Ишсиз хотин-қизлар бандлигини таъминлаш учун 5 млрд. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Тадбиркорлигини бошлаш учун 142 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағи ажратилди. Бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари партия фаоллари ва депутатларнинг фуқаролар билан очиқ, жонли мулоқот марказига айланган. Маҳалласи, меҳнат жамоаси, оиласидаги муносабатлар, муаммолар билан мурожаат қилган фуқаролар бу ерда албатта, керакли кўмак, ёрдам ёки

маслаҳат олишади. Шунинг учун баъзан мамлакат, вилоят ёки туманни янада ривожлантириш бўйича ўз таклифлари билан ҳам партия фаолларига мурожаат қилишади. Жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида Жамоатчилик қабулхоналарига 2100 дан ортиқ мурожаат бўлган ва уларнинг 1711 таси ижобий ҳал этилди. Мурожаатларда билдирилган масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга 510 та депутатлик сўрови юборилган ва уларнинг 492 таси ижобий ҳал этилишига эришилган.

Ўтган ўн ой давомида "маҳаллабай" ва "фуқаробай" ишлаш тизими орқали "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган аҳоли муаммоларини ҳал қилиш бўйича партия фаоллари ва депутатлар томонидан 4670 та муаммо аниқланиб, уларнинг 4177 тасини ижобий ҳал қилишга кўмаклашилди. Ўтказилган 1470 та учрашув ва сайёр қабулларда 18375 нафар аҳоли вакиллари қабул қилиниб, аниқланган 3602 та муаммонинг 3066 таси ҳал этилди.

Биз мана шу жараёнларнинг барчасида жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтиришга эътибор қаратяпмиз.

Вилоят партия кенгаши жорий йил сарҳисоби, амалий ишлар таҳлили билан бирга келаси йил учун ҳам вазифаларни режалаштирмоқда. Вилоят миқёсида ишсизликни камайтириш мақсадида 160 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиши белгиланган. Аҳоли сони кўп бўлган вилоятда ушбу режанинг бажарилиши муҳим аҳамиятга эгалиги сабабидан партиямиздан сайланган депутатлар яратилаётган иш ўринларининг ҳаққонийлигини назорат қилиб боради.

Мамлакатимизда таълим соҳасига устувор йўналиш сифатида эътибор берилмоқда. Келаси йили вилоятда 3 та янги мактаб қурилиши, 18 та мактаб реконструкция қилиниши, 1 та мактаб мукамал таъмирланиши, 18 минг нафардан зиёд тарбияланувчига мўлжалланган 21 та давлат мактабига таълим ташкилоти (2 та янги, 19 та реконструкция), 321 та нодавлат МТТ қурилиши, 4 та оилавий поликлиника ва 9 та маҳаллада оилавий шифокорлик пункти ташкил этилиши кўзда тутилган. Ушбу объектларнинг барчасида қурилуш-таъмирлаш ишларининг талаб даражасида бажарилиши депутатларимиз назоратида бўлади.

2022 йилда вилоятда амалга ошириладиган ишлар бўйича "Йўл харитаси"да ҳоким ўринбосарлари, шунингдек, тегишли ташкилот раҳбарлари ҳар ойда ўзларига бириктирилган тадбирлар ижроси юзасидан халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида ҳисобот бериб бориши белгиланган. Бу, албатта, депутатларимиз зиммасига катта масъулиятни юклаган билан бирга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг тўлақонли бажарилишига ёрдам беради.

Албатта, биз ҳам айни кунларда электорат манфаатларига хизмат қиладиган қатор лойиҳаларни муҳокама қиляпмиз. Келгуси йил учун режалар белгилаяпмиз.

Вилоят ривожига ҳисса қўшишни ният қилган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят ташкилотининг аҳил жамоаси Сайловолди дастуримизда белгилаб берилган устувор вазифаларни бажаришда ҳамжиҳат бўлиб самарали фаолият кўрсатади.

Абдулҳамид НУРМАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши раиси,
халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 29 ЙИЛЛИГИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТОШКЕНТ ШАҲАР, ФИБ УЧТЕПА ТУМАНЛАРАРО ВА ЖИБ УЧТЕПА ТУМАН СУДЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА "АЗИЗ ИНСОН: КОНСТИТУЦИЯ ВА ОДИЛ СУДЛОВ" МАВЗУИДА ЯНГИ ФОРМАТДА "ОЧИҚ ЭШИКЛАР" КУНИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ТАДБИРДА ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИ, ОЛИЙ СУД, ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТУМАН ВА ТУМАНЛАРАРО СУДЛАРИНИНГ СУДЬЯЛАРИ, СУД ФАХРИЙЛАРИ ВА БОШҚА ДАВЛАТ ҲАМДА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

КОНСТИТУЦИЯ ВА ОДИЛ СУДЛОВ

Асосий қонунимизнинг 2-моддасида давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги, қонунимизнинг 7-моддасида эса, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги белгилаб қўйилган.

Демак, суд тизими фаолиятида ҳам асосий қонунимиз, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва бошқа қонунлар, жумладан, процессуал қонунчилик асосида халққа хизмат қилиш, одамларни рози қилиш белгиланган. Жиноят судларида инсонпарварлик ғояларига содиқ бўлиш, фуқаролик судларида қонуний қарор қабул қилишгагина эмас, низоларни амалда ҳал этиш, тарафларни қарордан рози қилиш, иқтисодий судларда адолатни оғишмай таъминлаш, мурожаатчилар ва уларнинг вакиллари ҳуқуқларини амалга оширишда етарлича шарт-шароит яратиб беришга қонуний мажбурият сифатида қаралиши лозим.

Шундай экан, суд ҳокимиятини амалга оширувчи, одил судловни таъминловчи суд тизимининг фаолиятида ҳам аввало, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, эркинлиги, унинг манфаатлари, қонун устуворлиги, адолат мезонлари бирламчи ўрин эгаллаши даркор.

Зеро, инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, кадр-қиммати ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш тамойили ислохотларимиз моҳиятини ташкил этади.

Таъкидлаш ўринлики, Конституцияга кўра, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган, вояга етмаганлар, аёллар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилган.

Судларнинг асосий вазифаларидан бири эса, айнан қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиш, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантиришдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олишдан иборатдир.

Шу асосда, процессуал қонунчиликда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатланади.

Асосий қонунимизга мувофиқ, бошқа давлат органлари қатори судлар ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга масъул экан, аввало, аёлларимизни уларга қарши содир этилаётган, содир этилиши мумкин бўлган зўровонлик, таҳдид каби жиноятлардан ҳимоялаш, бу каби жиноятчиликнинг олдини олиш судларнинг олдидаги энг устувор вазифалардан биридир.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, "Инсон ҳуқуқлари: зўровонликка оид жиноятларнинг олдини олишда судларнинг масъулияти", "Азиз инсон ҳуқуқлари ва Конституция кафолатлари", "Конституцияда одил судлов: одил судловни таъминлашда коррупцияга қарши мurosасизлик, судьялар маънавияти ва масъулияти" каби мавзулар доирасидаги баҳс-мунозаралар айнан юқоридаги мақсадларга қаратилгандир.

Шунингдек, тадбирда судьялар билан суд фахрийлари, адвокатлар, тадбирга ташриф буюрган аҳоли вакиллари, жумладан, хотин-қизларимиз ўртасида самимий мулоқот бўлиб ўтди. Айниқса, судьялар томонидан эҳтиёжманд аҳоли қатлами вакиллари алоҳида эътибор қаратилганлиги, уларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган эҳтиром аввало, судларнинг очиқлик ва ошқоралиги амалда таъминланаётганлигидан далолатдир.

Азиз инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган "очиқ эшиклар" куни Бош Қомусимизда белгиланган вазифалар ижросига қаратилганлиги билан эсда қоларли бўлди.

Равшан ШОДИЕВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



8-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№49 (32691)

ҲОКИМЛАР МАВЗУСИ ДАВОМ ЭТАДИ —

Наманган деганда ҳар қари-ёшнинг,
Лабидан бол томар, тиллари ширин.
Азалдан файзи бор бунда қуёшнинг,
Юзларда қон-қаймоқ ранги яширин.

Ғафур Ғулом



НАМАНГАН ВОДИЙ ВИЛОЯТЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ, 1941 йил 11 мартда ташкил этилган. БИРОҚ, 1960 йил 25 январга келиб, андижон ва фарғона вилоятлари таркибига қўшиб юборилади. ОРАДАН 7 йил ўтиб эса яна қайта ташкил этилади. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ РЕСПУБЛИКАНИНГ ШАРҚИДА, ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ ШИМОЛИЙ-ҒАРБИЙ ҚИСМИДА, ТЯНЬШАН ТОҒ ТИЗМАСИ — ҚУРАМА ВА ЧОТҚОЛ ТОҒЛАРИНИНГ ЁН БАҒРИДА ЖОЙЛАШГАН.

ВИЛОЯТДА 13 ТА ХУДУДИЙ БИРЛИК БЎЛИБ, МАРКАЗИ НАМАНГАН ШАҲРИ ҲИСОБЛАНАДИ. ШУНИНГДЕК, МАРКАЗИЙ ШАҲАР ВА 12 ТУМАНДА 3 МИЛЛИОНГА ЯҚИН АҲОЛИ ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИ.



**НАМАНГАН
БЎЙИЧА
"ПРОФЕССОР"**

Шавкатжон Абдураззақовни наманганликлар шундай эъзозлашади. Маъмурий марказ ва унга ёндош Наманган тумани ҳокими вазифасида ишлаган кез-

ларида ҳудудни беш қўлдек ўрганган, барча иқир-чиқирларини яхши билади. Кенгайиб, аҳолиси ортиб бораётган Наманган шаҳри ва унинг атрофларини ривожлантириш эҳтиёжи етилган паллада айнан Шавкатжон Абдураззақовнинг ҳоким бўлиши бежиз эмас.

Халқ меҳрини қозongan, кейинчалик Фарғонага ишга ўтказилган Хайрулла Бозоровнинг ўрнида иш бошлаган ҳоким 2015-2017 йилларда Наманган тумани, 2017-2020 йилларда эса Наманган шаҳар ҳокими сифатида фаолият олиб борган. Қисқа муддат Ўзбекистон Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси лавозимида ҳам ишлаган.

Шавкатжон Абдураззақов футболнинг ашаддий мухлиси. У "Навбахор"нинг барча уй учрашувларига стадиондан туриб томоша қилади. Унинг иш услуби ўзига хос — шаҳар туриб шаҳар айланиш, қутилмаганда Чорсу бозорида пайдо бўлиб, нарх-навои суриштириш, гулчилик ва озодаликка алоҳида эътибор Наманган вилояти ҳокимининг "почерки".

Ҳоким журналистлар билан яхши алоқада. Доим уларни рағбатлантириб келади, муҳим учрашувларга журналистларни шахсан ўзи таклиф этади. Ёрдамчилар орқали эмас, шахсан ўзи журналистларга қўнғироқ қилиб, суҳбатлашиб, нималарни ёритаётгани билан қизиқади, бирон жиддий муаммони кўтариб чиққан журналистга шахсан ташаккур айтади.



**МАХДУМИ АЪЗАМ
КОСОНИЙ ЮРТИНИНГ
КИТОБСЕВАР
РАҲБАРИ**

Косонсой тумани — йирик саноат корхоналари, қўшма корхоналари билан машҳур Ислоҳобламининг йирик уламоси Махдуми Аъзам Косоний ҳазратларининг юртида дину диёнатга ёндашув мутлақо бошқача. Туман марказида спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари савдоси билан шуғулланадиган дўконларни топиш мумкул. Оқ салла кийган нурунийлар, дакана рўмол танғиб олган хушрўй момолар — Косонсойнинг ўзига хослиги.

Айни пайтда ҳоким лавозимида ишлаётган Баҳодир Юсупов 2016—2017 йилларда ҳам туманни бошқарган. Ҳозиргача Қишлоқ хўжалиги вазири бўлиб ишлаб келган Баҳодир Юсупов Косонсой тумани ҳокими этиб тасдиқланди. Маълумот учун, у 2009—2015 йилларда Наманган вилояти ҳокими вазифасида ишлаган.

Баҳодир Юсуповнинг хоббиси китоб ўқиш. Тарихий асарлар, айниқса, тарихий шахслар ҳаёт фаолиятига доир китоблар мутолаасини яхши кўради. Шу билан бирга, бинолар қурилиши дизайни, гулчилик, от спортига ҳам қизиқади. Ташландик, эътибордан четда қолган ерларни ўзлаштириш, мевали ва манзарали дарахтлар парвариши, турфа гулларга ишлов беришдан завқ олади. Китобга бўлган алоҳида меҳрини зиёли оилада тарбия топгани билан баҳолайди. Ён атрофдагиларга меҳрибон. Қийин аҳволга тушиб қолган ҳар қандай инсонга ёрдам бергиси келади.

Ҳокимнинг ўзига хос характери — воқеаларни ва инсонлар исмини хотирада сақлаб қолади. Шу сабабли кўпчиликка исмини айтиб чақиради. Қўл остидаги ходимларнинг фикрини тинглайди ва уларни иноватга олади. Фаоллик кўрсатган ходимларни доимо эътироф этиб, рағбатлантириб боради.



**"ҚОРА ОЛТИН"
ҚАЙТМАДИ —
Мингбулоқда ҳаёт
қандай?**

Мустақилликнинг илк йилларида Мингбулоқда топилган нефтга жаҳон эътибори қаратилган эди. Мамлакат аҳолиси ўзгача ғурур ва орзуманд бўлиб, ул-

қан нефть захирасига эга кон топилганини хурсандчилик билан қарши олган эди. Кейин кимлардир уни ёқишни маслаҳат қилди, нефть нимагадир тортилиб қолди, қудуқлардан мўлжалдагидан анча кам нефть чиқа бошлади. Шу-шу, Мингбулоқдан геологларнинг қадами узилмайди. Ўша вулқондек отилган нефть оқимини топиш орзуси ҳам яшапти.

Орадан 30 йил ўтди. Мингбулоқ нефтсиз ҳам ривожланди, аграр ва қолоқ ҳудуддан тадбиркорлик ривожланган, балиқчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш маданияти мавжуд ҳудудга айланди.

2019 йил 20 март. Вилоят ҳокимининг қарори лойиҳаси депутатларга тақдим этилди. Унда Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи вазирасида ишлаб келган Нуршод Нурмаатович Худойбердиевни Мингбулоқ тумани ҳокими вазифасини бажарувчи этиб тайинлаш тўғрисида масала ўрин олган эди. Ушбу таклиф маъқулланди.

Нуршод Худойбердиев — қаттиққўл раҳбар. Ишга масъулиятсизлик қилинса, жим қараб турулмайди. Ҳар қандай масалада жиддий ва алоҳида масъулият бўлишини талаб этади.

Отларга меҳри бошқача. Шу сабабли 30 га яқин отни парварishi қилади. От минishi, чавандозлиқни яхши кўради. Аждодларимиз босиб ўтган йўл, уларнинг одатларини ўрганиб боради. Гулхан ёқиб, унинг атрофида ўтиришни ёқтиради.

Ўзига билдирилган ишонччи оқлашни истайди. Шу сабабли ҳар қандай масалани тез ўрганади ва ўзлаштиради. Ўзи масъулиятли бўлгани боис бошқалардан ҳам шуни кутади ва доим талаб қилади.



**НОРИНДА БИР
ҲОКИМ БОР...**

Ҳа, адашмадингиз, бу Норин тумани. Ушбу ҳудудий бирликни 5 йил давомида, яъни 2012-2017 йилларда Аъзамжон Султонов бошқариб келган. Ўша вақтдаги вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг тавсиясига биноан қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Дилмурод Қодиров туманга янги раҳбар этиб тайинланди.

Ҳоким ҳузурида бўлишдан олдин, оддий одамлар билан гаплашишга ҳаракат қилдик. Уларнинг сўзларига кўра, Нориннинг раҳбари камтарлиги ва мулоҳазақорлиги билан ном қозongan. Масалан, тракторчи, сувчилар ҳам тўғридан-тўғри ҳокимга қўнғироқ қиларкан. Яқинда кузги шудгорлаш ишлари кетаётган пайтда кечки овқатсиз қолган дала меҳнаткашлари кечки соат 11 ларда қўнғироқ қилиб: "Ҳоким бува, бизга овқат келмади", дейди. Шунда ҳоким масъуллар билан боғланиб, тезлик билан тракторчиларга овқат етказишни айтади. Оилавий жанжалларда ҳам хотин-қизлару эркаклар ҳатто тун ярмида бемалол ўз муаммосини айтиши одатий ҳолга айланган экан. Бир сўз билан, ҳоким ҳамиша аҳоли билан ҳамнафас.



**ҚАМИШЛАР
ЎРНИДА
МЕҲРИГЕЎ
УНГАН УЙЧИ**

Уйчи туманига жорий йилнинг февраль ойида ҳокимлик тажрибасига эга бўлган янги раҳбар келди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилик ҳузуридаги

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошлиғи лавозимида ишлаган Мухаммадзокир Маматхонов ҳудудда иш бошлади.

У 1974 йилда Поп туманида туғилган. 2006 йилда Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти, 2012 йилда Президент академияси қошидаги Олий бизнес мактабини тамомлаган. Фаолиятининг 18 йилини ҳудудлардаги солиқ инспекцияларида ўтказган.

Туман раҳбари — гўзаллик шайдоси. Айниқса, гулларга алоҳида меҳр қўйган. Уйда ҳам, иш жойида ҳам, албатта, энг ноёб гуллар унга ҳамроҳ. Уларни парваришлаш, атрофни гулзорга айлантириш билан боғлиқ ишларда ўзи ташаббус кўрсатади. Уйчи топонимининг маъноси — "Уй" ва "Чи" (шевада "Чий"), яъни қамишдан қурилган уй, қамишзор ўрнидаги уйлар, деган маъноларни билдиради. Хуллас, туман ҳокимининг азму қарори билан бир вақтлар қамишзор бўлган Уйчи бугун боғу бўстон чаманзорга айлانмоқда.

Туман ҳокими яхшигина ошпаз, мазали таомлар пиширишга ҳам моҳир. Масалан, димлама тайёрлашда унга етадигани йўқ, дейишади ҳокимни яхши билганлар. Ҳовлисида ҳам ҳамма ўзбек оилаларида бўлгани каби туёқ боқилади. Бир қанча қўйлари ҳамда товуқлари бор.

Яна бир жиҳати, одамлар билан тез мулоқотга киришади. Шароитга ҳам тез ва осон мослашади. Жаҳл отига минганда ҳам ҳақорат ва нафсониятга тегиш каби одатлардан йироқ. Ҳоким учун оила энг муқаддас даргоҳ. Шу сабабли фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. Уларни ҳам диний, ҳам дунёвий билимлар билан вояга етказган.

МУНОСАБАТ

КОНСТИТУЦИЯ ҲАР БИР ФУҚАРО УЧУН МУҚАДДАС

Бош қомусимизнинг қабул қилиниш мақсади унинг муқаддимасида келтирилган. Яъни, мамлакатимиз фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга интилиш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш. Яна ҳам соддароқ айтганда, инсонга муносиб ҳаёт шароитини яратиш, уни бахтли қилишдан иборат. Бу мақсадга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Ҳаётий, халқчил Конституция асосида қабул қилинадиган қонунларгина тараққиётга хизмат қилади. Бош қомусимизнинг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизимида учта ҳокимиятдан бири сифатида — қонун чиқарувчи орган белгилаб қўйилган. Алоҳида бир боб, яъни 18 боб — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳақида бўлиб, 13 та моддани ўз ичига олади.

Шу маънода, миллий парламентаризмимизнинг шаклланиши ва ривожланишида Конституциямизнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Сиёсий партияларнинг фаолиятини ҳамда унинг аҳамиятини бугунги кунда Парламентаризмнинг тараққиётдан ажралган ҳолда кўриб чиқиш мумкин эмас. Ўз навбатида сиёсий хилма-хиллик, кўппартиявийлик асосида парламент қўйи палатасида фракциялар фаолият юритади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси эса мамлакатимизда амалга оширилган барча парламент сайловларида фаол қатнашиб, қўйи палатада доимий равишда фракция ташкил этиб келмоқда.

Биламизки, қонун ижодкорлиги — Қонунчилик палатаси фаолиятининг энг муҳим, биринчи галдаги вазифасидир. Қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар жиҳатдан мукамал бўлиши аҳоли фаровонли-

гини ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

Маълумки, масалаларни эркин муҳокама қилиш ва коллегиял ҳал этиш тамойилларига асосан ҳар бир қонун лойиҳаси ёки масала сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишларида дастлабки тарзда кўриб чиқилади. Акс ҳолда, Қонунчилик палатаси мажлисига киритилмаслиги амалда қатъий мустаҳкамлаб қўйилган.

Шу маънода, сайловчилар, жумладан, партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, депутатларимизнинг қонунлар сифатига, концепциясига нисбатан талаби кучайди. Фракциямиз томонидан кўриб чиқиладиган қонун лойиҳаларини жойларда муҳокама қилиш учун партиямиз томонидан қўйи бўғиндаги ташкилотларига етказилмоқда. Ушбу

амалиёт эса «Қонуннинг бирдан-бир манбаи ва муаллифи том маънода халқ бўлиши шарт», деган устувор тамойилнинг амалда татбиқ этилишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Конституция инсониятнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ва ташкил этиш бора-борада кашф этган энг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади.

Бош қомусимизда фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари нафақат алоҳида бобда, балки унинг кўплаб модда ва нормаларида ўз ифодасини топган. Унинг негизиде ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси ўтган 5 йил давомида давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичига олиб чиқди. Тараққиёт стратегияси эса Ўзбекистоннинг янги марраларни забт этишида асос бўлиб хизмат қилиши

шубҳасиз.

Мамлакатимиз Президенти томонидан Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқиде парламент вакиллари, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласини кўриб чиқиш кераклиги алоҳида таъкидланди. Демак, Конституциямизнинг мукамаллиги йўлида барчамиз бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишимиз зарур.

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП
Марказий Кенгаши раиси
ўринбосари.

Соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик, нотўғри овқатланиш, консерва, фаст-фуд маҳсулотларини мунтазам истеъмол қилиш ҳам аллергия касалликларни кучайтиради.

8-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№49 (32691)



БУГУН 4 ОДАМДАН ИККИТАСИ Ё ЙЎТАЛДАН, Ё БУРУН БИТИШИДАН ШИКОЯТ ҚИЛАДИ. ШИКОЯТ ҚИЛМАСА ҲАМ ЧЎЗИБ-ЧЎЗИБ АКСИРИБ ҚЎЯДИ. ҲОЗИР ТОМОҚ ҚИЧИШИ, ЙЎТАЛ, АКСИРИШ, БУРУН БИТИШИ КАБИ АЛОМАТЛАР БИЛАН КАСАЛЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ КУЗАТИЛЯПТИ. БИЗ КЎПИНЧА БУ ҲОЛАТЛАРДА ДАРВОЗ ШАМОЛЛАШГА ҚАРШИ ДАВОЛАНА БОШЛАЙМИЗ. АММО БУ ДОИМ ҲАМ ТЎҒРИ ҚАРОР ЭМАС. ЧУНКИ БУ АЛОМАТЛАР ФАҚАТ ГРИПП, ШАМОЛЛАШ ЭМАС, АЛЛЕРГИЯ ҲАМ БЎЛИШИ МУМКИН. УМУМАН ОЛГАНДА, ОХИРГИ ЙИЛЛАРДА БУТУН ДУНЁДА АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРИ КЕСКИН ОШИБ БОРМОҚДА. СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАРГА ҚАРАГАНДА, ЕР ЮЗИ АҲОЛИСИНИНГ 10-20 ФОИЗИ КАСАЛЛИКНИНГ У ЁКИ БУ ШАКЛИ БИЛАН ОҒРИЙДИ. АЙРИМ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРИНИНГ 50 ФОИЗГАЧА АҲОЛИСИ АЛЛЕРГИЯГА ДУЧОР БЎЛГАНИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР ҲАМ БОР.

Хўш, ҳозирги совуқ кунларда шамоллаш ва гриппни аллергия билан қандай фарқлаш мумкин? Аллергик касалликлар аслида жиддийми? Унинг даволаш босқичлари қандай? Шу каби саволлар билан **Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иммунология ва инсон геномикаси институти бўлим мудири, алерголог-иммунолог, тиббиёт фанлари доктори Акрам Суяровга** мурожаат қилдик.

– Айни пайтда кўпчилик аллергия кассалликлардан азият чекмоқда. Айтингчи, бунинг асосий сабаблари нимада?

– Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда астма ва аллергия касалликларининг бошқа турлари

кучайиб кетди. Бунга асосий сабаблардан бири экологик омиллар ҳисобланади. Яъни, шаҳарларда яшил ҳудудларнинг камайиб бориши, қурилишлар ҳисобига кўтариладиган чанг-тўзонлар, турли завод-фабрикалардан чиқаётган зарарли газлар ҳисобига ҳавонинг ифлосланиши, техника асридаги табиий муҳитнинг қисқариб бораётгани билан белгилашимиз мумкин. Ўтган ойда ҳавода чангли бўрон кузатилди. Мана шундай вазиятлар ҳам бу касалликнинг авж олишига олиб келади. Ҳар куни 5-10 нафар бемор қабул қилаётган бўлсак, ўша кунлари бир кунда 50 нафаргача бемор қабул қилдик. Улар томоқ қичишиши,

кўз ачишиши, йўтал, нафас сиқиши, қолаверса, терида турли тошмалар пайдо бўлиши каби аллергия касалликларининг белгилари билан мурожаат қилишди.

Яна шунинг ҳам айтиши керакки, соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик, нотўғри овқатланиш, консерва, фаст-фуд маҳсулотларини мунтазам истеъмол қилиш ҳам аллергия касалликларни кучайтиради.

Аллергик касалликларда ҳам наслий мойиллик бўлиб, у авлоддан авлодга ўтиши мумкин. Агар ота ва онасида ҳам аллергия касаллик мавжуд бўлса бола 80% гача, агар отаси ёки онасининг бирида бўлса бола 25-50% гача аллергия касалликларга чалинишга мойил бўлади. Вақтида касаллик назоратга олинмаса, унга чалиниш ҳолати кучаяди.

Бугун теле ва радиоканалларда эфирга узатиладиган дори воситалари рекламаларининг кўпайиши ҳам аҳоли орасида бу касаллик кучайишини келтириб чиқармоқда. Чунки одамлар билиб-билмай, мутахассс маслахатсиз бундай дориларни сотиб олади ва уларни пала-партиш истеъмол қилади. Аллергия асоратларини билмасдан, шамоллашга қарши дориларни ичади. Натижада бу касаллик авж олишига сабаб бўлади.

Бу рўйхатга, албатта, зарарли одатларни ҳам киритишимиз керак. Алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, чекиш каби иллатлар ҳам аллергия касалликлари келиб чиқишининг бош омилларидан ҳисобланади.

– **Аллергия, назаримизда, енгил касаллик ҳисобланади. Одатда бурун битиши, аксириш ҳолатларини шундоқ ўтказиб юборамиз. Аслида ҳам бу енгил касалликми? Унинг асоратлари нималарга олиб келиши мумкин?**

– Аслида тўғри фикр. Одамлар одатда аллергияга бефарқ қарашади. Биринчи ҳолатда аллергияга мойиллиги бор одамларда организмга аллергиянинг бироз оғирлашиши бошланади. Бу, айниқса, мавсумий жараёнларда аниқ сезилади. Бундай вазиятларда касаллик аломатлари давом этаверса, бурундан нафас йўлларига тушиб, аллергия ринитлар бронхиал астмага айланади.

Аллергия билан яшаш – бу кукун баррелида ўтиришга ўхшайди, ҳар қандай вақтда тошма, тўсатдан шиш пайдо бўлиши мумкин, бу инсон ҳаётига қимматга тушиши мумкин! Шунинг учун йўтал, кўкрак хуштаклари, тери касалликларида

аллерголог мутахассисларга мурожаат қилиш тавсия этилади. Афсуски, кўп одамлар биринчи навбатда ўз-ўзини даволашга одатланган ва фавқулодда вазиятлардагина шифокорга боришади.

Кўпинча куз-киш мавсуми – совуқ об-ҳаво шароитида астма ва аллергиянинг энг аниқ белгилари бўлган йўтал ва бурун битиши ҳолатларида беморлар антибиотик препаратлар билан даволанади. Бундай дори-дармонларни ўз-ўзидан ва назоратсиз қабул қилиш вазиятни янада кучайтиради. Боиси баъзи дорилар аллергия реакцияларини келтириб чиқаради. Натижада беморнинг саломатлиги ёмонлашади.

Бундай вазиятда нима қилиш керак? Аввало, оддий шамоллаш, грипп билан аллергия касалликлар белгиларини фарқлай олиш лозим. Аллергияда ҳам тумов, гриппга ўхшаган белгилар бўлади. Аллергик ринит билан оғриганда аксириш, бурун битиши, бурундан сув келиши кузатилади. Тана ҳарорати кўтарилмайди. Гриппда эса иситма, бўғинларда оғриқ бўлади. Аллергияда унга қарши дорилар ичилса, касаллик белгилари пасаяди. Шамоллаш, грипп бу ҳолатда тез тарқамайди. Грипп вирусининг яшаш давомийлиги 4-5, узоғи билан 7 кун бўлади. Тўғри даволанган беморларда бу ҳолат тез ўтиб кетади. Аллергик ринитларда эса бу касаллик чўзилади. Мавсум пайти қайталанаяди. Аллергияга қарши дориларни ичгандагина меъёрлашади.

– **Аллергик касалликларнинг олдини олишда нималарга эътибор қаратиш зарур?**

Агар одамда наслий мойиллик бўлса ҳам касалликнинг олдини олиш зарур. Енгил тавсиялар бериб ўтаман. Аввало соғлом турмуш тарзига риоя қилинг. Китоб жавонларидан ва чанг сақлайдиган буюмлардан қочинг. Кийимларни ёпиқ шкафта сақланг. Хоналарни ҳафтада камида бир марта чангютгич билан яхшилаб тозаланг. Биринчи аломатларда шифокор билан маслаҳатлашиш жуда муҳим, даволаш касалликнинг оғирлашишига йўл қўймайди.


Мавсумий даврларда аллергенлардан қочиш чора тadbирлари – маска тақиш, уйда деразаларни очганда тўсиқлар ўрнатиш керак. Уй жиҳозларини тез-тез нам латта билан артиб туриш, ҳавони алмаштириб туриш лозим. Ухлайдиган хоналарда гуллайдиган гулларни сақлаш керак эмас. Ва албатта йўтал, аксириш, бурундан сув келиши ҳолатларида врач-аллергологга мурожаат қилишни тавсия қиламан.

Бу ҳолатда пархезга ҳам риоя қилиш керак. Чангдан ташқари, таркибида аллергенларни кўп миқдорда сақлайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари орқали ҳам аллергия кўзғалиши мумкин. Таркибида аллерген маҳсулотлари бўлган овқатлар, кизил рангли маҳсулотлар, тухум, балик ва консерва маҳсулотлари, цитрус мевалар, дуккаклилар, писта- бодом, спиртли ичимликлар истеъмолдан четлашиш керак бўлади.

– **Мазмунли суҳбат ва зарур тавсиялар учун раҳмат!**

**“Ўзбекистон овози” муҳбири
Гулрух ОДАШБОВЕВА суҳбатлашди.**

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТИ



КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 13-МОДДАСИДА “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДЕМОКРАТИЯ УМУМИНСОНИЙ ПРИНЦИПЛАРГА АСОСЛАНАДИ, УЛАРГА КЎРА ИНСОН, УНИНГ ҲАЁТИ, ЭРКИНЛИГИ, ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ВА БОШҚА ДАХЛСИЗ ҲУҚУҚЛАРИ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ ҲИСОБЛАНАДИ”, ДЕЙИЛГАН. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТИ АВВАЛО, ЭЪТИҚОД ЭРКИНЛИГИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИ.

Конституцияга биноан Ўзбекистон фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга, шу жумладан, виждон эркинлигига эгадирлар, улар динидан ва эътиқодидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари, хусусан, виждон эркинлиги ҳам дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч қим ҳақли эмас. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини (виждон эркинликларини ҳам) амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Ҳар қим фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қи-

лиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбурий сингдиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистонда давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабат Конституциянинг 61-моддасида аниқ белгиланган бўлиб, унга кўра диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунига кўра, виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат. Эътиқод эркинлиги ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва

маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликда, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилашда мустақиллиги кафолатланган. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқлиги белгиланган. Фуқаролар динга муносабатидан қатъи назар қонун олдида тенг. Уларнинг динга муносабатига қараб ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш мумкин эмас. Шунингдек, ҳеч қим диний эътиқодини рўқач қилиб қонунда белгиланган мажбуриятлардан озод этилмайди. Қонунга мувофиқ бажарилиши мажбурий бўлган бир вазифани диний эътиқоди туфайли бошқаси билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларга нисбатан имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди. Қонунга биноан уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмаслик, диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармаслиги, таълим тизими диндан ажратилганлиги, фуқароларнинг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар таъминланиши, олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олган бўлиши шартлиги, 18 ёшга тўлган ва ўз-

бекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган фуқаролар диний ташкилотни ташкил қилиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган.

Қонун бўйича дин давлатдан ажратилган. Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатишга қўмаклашади. Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажариши юкламайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда дахрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Шунингдек, Қонунда дин ва диний ташкилотларнинг давлатга бўлган муносабати ҳақидаги қоидалар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт.

Қонунга биноан қуйидаги ҳолатларда диний ташкилотларни рўйхатга олишни рад этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш мумкин. Агар диний ташкилот уставининг қоидалари ва бошқа ҳужжатлари Қонун ёки Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига зид бўлса, диний ташкилотни рўйхатга олиш рад этилганда рад этиш асослари кўрсатилган қарор ёзма равишда аризачиларга юборилади. Диний ташкилот тузиш ташаббускорлари уставларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирганларидан сўнг уставни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан Адлия вазирлигига ёки унинг жойлардаги органларига қайтадан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Диний ташкилотни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёхуд адлия органлари томонидан Қонун талаблари бузилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Диний ташкилотнинг фаолияти у ўз-ўзини тарқатиб юборганда ёки Қонуннинг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг қоидалари бузилган тақдирда тугатилиши мумкин.

Қонунда диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

аниқ белгилаб берилган. Унда қайд этилишича, диний ташкилотлар қуйидаги ҳуқуқларга эга: ибодат қилиш ёки диний расм-русумлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва уларни ҳамда зиёратгоҳларни сақлаб туради. Ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки яратилган, фуқаролар, жамоат бирлашмалари эҳсон қилган ёхуд давлат томонидан берилган, шунингдек, чет элда жойлашган ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган, ўз фаолиятларини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, ибодат қилиш анжомлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия иншоотлари, пул маблағлари ва бошқа мол-мулкларга эга бўлиш, ўз эътиёжлари учун давлат органлари томонидан шартнома асосида бериладиган бинолар ва мол-мулкдан фойдаланиши белгиланган. Марказий бошқарув органлари уста-видаги мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қури-лиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналари, шунингдек, хайрия муассасаларини таъсис этиш, марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқариш, экспорт ва импорт қилиш ҳамда тарқатиш, хайрия ва меҳр-мурувват фаолиятини амалга ошириш, муқаддас жойларни зиёрат қилиш ёки бошқа диний тadbирларда иштирок этиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқалар ўрнатиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий манба сифатида хизмат қилмоқда.

**Баҳром АҲРОРОВ,
Жамоат хавфсизлиги
университети ва Тошкент
давлат юридик университети
ихтисослашган филиали
профессори.**

Бозорда яна бир қатор қулайликлар ҳамда қўшимча иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

БАРАКА — ҲАЛОЛЛИКДА

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧИДА БОЗОРЛАРИМИЗ ҲАМ ЎЗГАЧА ҚИЁФА КАСБ ЭТИБ, УЛАРДА АҲОЛИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ТОБОРА ЯХШИЛАНМОҚДА. БУНГА ЯҚИНДА ХИЗМАТ САФАРИ БИЛАН ТЎРТКЎЛ ТУМАНИГА БОРГАНИМИЗДА ҲАМ ЯНА БИР БОР ИШОНЧ ҲОСИЛ ҚИЛДИК. ХУСУСАН, "ТЎРТКЎЛ ЭЛ РИЗҚИ БОЗОРИ" МЧЖ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШГАНИМИЗДА БУ ЕРДА НАРХ-НАВОНИНГ АСОССИЗ ОШИРИЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШ, СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН САВДО ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ, СОТУВЧИ-Ю ХАРИДОРЛАР УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛАЁТГАНИГА ГУВОҲ БЎЛДИК.



— Хабарингиз бор, бугунги кунда мамлакатимизда халқ манфаатларига хизмат қилишга жуда катта эътибор берилмоқда, — дейди "Тўрткўл эл ризқи бозори" МЧЖ раҳбари Раҳимжон Қошонов. — Шу билан бирга тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда. Ана шу икки муҳим вазифанинг ўзиёқ бизга жуда катта масъулият юклайди. Аслини олганда ҳар бир инсон виждонан иш қилса, албатта, ўша жойда илҳомий ўзгариш бўлади. Демокчи бўлганим, қачонки меҳнатимиздан халқ рози бўлсагина ишимизда барака, унум бўлади. Бозорга тадбиркор бўламан, деб келган инсон борки, қўлдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Айниқса, бу жараёнда ёшларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор беряпмиз. Уларга расталарда, савдо дўконларида ўз тадбиркорлигини йўлга қўйишлари, кўнгилдагидек иш-лашларига имконият яратиш бермоқдамиз.

Раҳимжон ака билан бозорни айланар эканмиз, нарх-навонинг мақбуллиги, тоза-озодлик эътиборимизни тортди.

— Президентимизнинг тегишли қарор ва фармонларининг ижросини ҳаётга самарали татбиқ этишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Бозоримизни тўкин-сочин ва обод қилиб, арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини юртдошларимиз дастурхонларига етказиш

зиб беришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Тадбиркорларга яқиндан ёрдам бериш, уларни қўллаб-қувватлашда Отабек Султонов, Ботиржон Матякубов, Тоҳир Жуманиёзов, Сарвар Ибрагимов, Ўткир Алтибаев, Гарифулло Гудурсунбоев, Руслан Ибрагимов, Нураддин Худойбергенов, Журъат Рўзимбетов каби ишчи-ходимларимизнинг хизматлари катта. Улар ўзaro ҳамфирқликда ва аҳилликда кечаю кундуз ўз вазифасига масъулият билан ёндашиб, элнинг дуосини олиб келишмоқда. Бизни қувонтиргани, бозоримизга нафақат шу ерда яшаётган инсонлар, балки юртимизнинг турли ҳудудларидан ҳам жуда кўплаб сотувчи-ю харидорлар келишади. Келаётган ҳар бир инсоннинг кўнгилга йўла топа билишда муомила маданиятининг ўрни катта. Биз фаолиятимиз давомида ана шу жиҳатга ҳам доим эътибор бериб келяпмиз.

Суҳбатдошимизнинг маъ

турига қараб шартномалар тузилмоқда. Айни пайтда туманининг ўзида ҳам сифатли ва харидоргир озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналар кўпайиб бормоқда, улар ҳам ўзларининг маҳсулотларини ушбу бозорда сотишни йўлга қўйишган.

— Бугунги кун, ҳозирги давр ҳар биримиздан жуда катта масъулият, меҳнат ва изланишни талаб қилмоқда, — дейди Раҳимжон ака. — Инсонларнинг кўнгилга йўл топиш, уларни рози қилиш Президентимиз айтганларидек, кечаю кундуз ҳаракат ва фидойиликни, меҳнатни, билимни талаб қилади. Биз ҳам аввало, Яратган эгамнинг марҳамати, қолаверса элнинг дуоси билан мана узоқ йиллардан бери эл хизматида бўлиб келяпмиз. Фаолиятимиз давомида кўлимиздан келганча ёрдамга муҳтож инсонлар, оилаларни қўллаб-қувватлаб келмоқдамиз. Туманимиз ҳокими Рустам Шомуродов ҳар доим

Биз сўз юритаётган бозор 2010 йилда ташкил топган бўлиб, 7 ярим гектар майдонда жойлашган. 0,8 гектар жойда автотураргоҳ, 4 гектар жойда чорва бозори, шунингдек, қолган ҳудудда 172-608 та савдо ва кўчмас мулк дўконлари, 8 та раста мавжуд. Айни кунларда туман ҳокими Рустам Шомуродов бошчилигида яна 50 та савдо дўкони қурилмоқда, уларни 2022 йилда топшириш режалаштирилган. Шу билан бирга талаб ва таклифларни инобатга олиб, бозорда яна бир қатор қулайликлар ҳамда қўшимча иш ўринлари яратиш кўзда тутилган.

Дарвоқе, суҳбатдошимиз ҳақида: Раҳимжон Қошонов 1977 йил 22 мартда Тўрткўл шаҳрида туғилган, 1995 йилда Тўрткўл савдо техникумини тугатган, савдо базасида магазин mudiri, кейинчалик эса хусусий тадбиркорлик билан шуғулланган. "Тўрткўл эл ризқи бозори" МЧЖда дастлаб раҳбар ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатди, 2017 йилдан ҳозирги кунга қадар эса раҳбар бўлиб ишлаб келмоқда. Турмуш ўртоғи Насиба опа билан оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган, Тошкент шаҳридаги тажрибали тадбиркорлар билан қандолат, ширинликлар, печенье, озиқ-овқат, нон маҳсулотлари савдоси бўйича ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Ўғиллари Бобур, Қудрат, қизи Озода яқин кўмакчи.

— Бизнинг авлод-аждодимиз савдо-сотиқ билан ҳаёт кечириб келишган, — дейди Раҳимжон ака. — Бобо-мом, отам Йўлдошбой, онам Реймажон ҳам бир умр савдо соҳасида ҳалол меҳнат қилиб, эл-юрт орасида обрў-эътибор, ҳурмат-иззат топган инсонлар. Бугун фарзандларимиз билан сулолаимиз давомчилари бўлаётганимиздан хурсандмиз. Бизга тадбиркорлик учун мана шундай имкониятларни яратиш бераётган Президентимизга мингдан минг раҳмат айтамиз.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.



АЙНИ ПАЙТДА ТУМАННИНГ ЎЗИДА ҲАМ СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН КОРХОНАЛАР КЎПАЙИБ БОРМОҚДА, УЛАР ҲАМ ЎЗЛАРИНИНГ МАҲСУЛОТЛАРИНИ УШБУ БОЗОРДА СОТИШНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШГАН.

лум қилишича, бозорни арзон маҳсулотлар билан тўлдириш учун юртимизнинг турли ҳудудларидаги тадбиркорлар, миришкор деҳқонлар, фермер хўжаликлари билан ҳамкорлик қилинмоқда. Масалан, Тошкентдаги озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналари билан маҳсулотининг сифати, бундан жуда хурсандмиз.

фаолиятимизни қонунчиликда белгиланган тартибда қўллаб-қувватлайди, кези келганда маслаҳат беради, кези келганда ҳамфирқ бўлиб, истиқболли режаларни белгилайди. Муҳтарам Президентимизнинг амалга ошираётган ислохотларига камарбаста бўлаётган бўлсак, бундан жуда хурсандмиз.



ОНА ЮРТИМ, ЎЗБЕКИСТОН

*Бир диёрким, Амударё, Сирлари бор,
Муҳаммаднинг нури тушган пирлари бор,
Қиш-у ёзда чорлаган адирлари бор,
Жисму жоним, она юртим, Ўзбекистон.*

*Тиллопарга алишмасан тупрогингни,
Нур зиёга тўлдирайин кучоғингни,
Асрагайман ҳар бир чаман ўтлоғингни,
Жисму жоним она юртим, Ўзбекистон.*

*Карвонига сарбон бўлган юртбошимиз,
Учмай абад порлайверсин кўёшимиз,
Ҳилпирасин мустақиллик байроғимиз,
Жисму жоним, она юртим, Ўзбекистон.*

*Қўларида Ражабийлар навоси бор,
Рақсларида Мукаррама ибоси бор,
Қизларида Увайсийлар ҳавеси бор,
Жисму жоним, она юртим, Ўзбекистон.*

*Саждагоҳим, менинг учун шарафу шон,
Истеъдоду илҳомимга бердинг имкон,
Эркаланиб тупроғингда берайин жон,
Жисму жоним, она юртим, Ўзбекистон.*

Севинч ХАЙРУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳар, Юнусобод
туманидаги 96-мактаб
10-«А» синф ўқувчиси.

“ИСКАНДАР-КЎПРИК”НИ КИМ ҚУРГАН?

Маълумотларга кўра, бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 400 га яқин тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд. Шу билан бирга ўнлаб қадамжолар бор. Ана шундай бетакор обидалардан бири Қўмқўрғон туманида жойлашган ғиштқўприкдир. Ўзбек меъморчилиги санъатининг ноёб дурдонаси ажойиб маҳорат ва юксак дид билан қурилгани учун нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Асрлардан сўзлагувчи мазкур иншоот маҳаллий аҳоли томонидан "Тошқўприк", "Ғиштқўприк" ёки "Искандарқўприк", деб аталади.

Ҳўш, ноёб ва бетакор обида ҳақиқатан ҳам Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) томонидан қурдирилганими?

— Маълумки, эрамиздан аввалги 327 йилда Искандар Зулқарнайн Термизни босиб олган, — дейди тарих фани ўқитувчиси Отабек Нуров. — Шундан кейин эса шаҳарга "Александрия" номи берилади. Аммо кўп йиллик ўрганиш ва изланишлар натижасида қўприкнинг Искандар Зулқарнайнга ҳеч қандай алоқаси йўқлиги аниқланган.

Асрларнинг гувоҳи бўлган тарихий обида аслида 1557-1598 йилларда Абдуллахон томонидан барпо қилинган. Қарийб 40 йиллик қурилиш ва бунёдкорликлардан кейин умумий узунлиги 70 метрни ташкил қилади-ган қўприк бунёд бўлади. Унинг сой тубидан тепагача бўлган масофаси эса 12 метрдан зиёд. Замон ва даврлар оша бизгача етиб келган мўъжизакор осори-атиқа бир неча юз йиллар давомида мамлакатлараро савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этган.

Қўприк икки қирғоқда ғишт устунларга таянган. Уларнинг бири ярим айлана шаклида бўлса, иккинчиси тўғри тўртбурчак услубда қурилган. Шу билан бир қаторда сел ва тошқинлар оқимидан ҳимоя қилувчи иккита қўшимча ғиштин тиргак ҳам ўрнатилган. Иншоотнинг усти уч қисм - йўловчи ва транспорт йўли, сув ўтадиган нов ва иккита майдончадан иборат. Ғишт, алебастр, оҳақ, қум ва бошқа қурилиш маҳсулотларидан барпо этилган қўприк қарийб 5 асрдирки, ҳамоно ўз машҳурлигини йўқотгани йўқ.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Тошкент шаҳар «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси томонидан 1993 йилда Олмазор тумани Шифокорлар шаҳарчаси Г-30 2а уй, 4 хонадон эгаси Ибрагимов Файзулла Набиевич номига берилган № 05-02/2184 рақамли давлат далолатномаси ҳамда унинг асосида олинган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 1993 йилда Ташпулатов Шавкат Қуттибайевич номига берилган № 034624, регистр 627/93 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Сурхонча муштлар билан дўппосласа,
ишқибозларнинг ҳовури босилади.8-dekabr, chorshanba, 2021-yil.
№49 (32691)„РИНГ РАҚҚОСИ“ ТОШКЕНТДА, „НАСАФ“ ЭФФЕКТИ, ЎЗБЕК БОКСИ ЎЗ
ШАЪНИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА МАЖБУР – СПОРТ ОЛАМИДА НИМА ГАП?САМАРҚАНДДА
“АЖДАРЛАР” ПАРВОЗИ

Ўзбекистон кубоги. Финал. Самарқанд шаҳри. Суперлигада чемпионликни нақд қилган “Пахтакор” ва катта ғалабаларга ташна “Насаф” жамоалари саф тортди. Қизиқ томони, ярим финал ва финалда қаршилиқ футболчилар ОКМК ва “Пахтакор”ни, икки клубни ҳам бир хил сценарий билан таслим қилди. Яъни, бир киши кам бўла туриб ғолиб бўлишди.

Биринчи голни “Пахтакор” урди, аммо шу голни урган футболчи Қарши клуби тарбияланувчиси Одил Ҳамробеков эди. Қалай? Ким гол ургани муҳиммас, Қашқадарё футболчи ҳар жиҳатдан ғалаба қозонганига эътибор беринг. Умуман, ўзбек футболининг байроқдори бўлган “Пах-

такор” сафида Қашқадарё футболчининг тўрт нафар тарбияланувчиси тўп сурди. Хулоса шуки, демак, Қашқадарёда ишлар тўғри йўлга қўйилган. Тизим ишлашига шароит яратиб берилган. Ҳудуд раҳбарлари ўзгарса ҳам, умумий сиёсат, мақсад ўзгармайдиган бир тартиб-таомил мавжуд.

Айтганча, “Насаф”нинг ғалаба голини Ғолиб исмли футболчи урди. Ҳа, шу кунги ғолиблик пешонасига битилган экан “Насаф”нинг.

БОЙ БЕРИЛГАН ОБРЎ
ДУБАЙДА ҚАЙТАРИБ
ОЛИНАДИМИ?

Қизиқ ва эътиборга молик янгилик – 11 декабрь кун 4 нафар ўзбек профессионал боксчиси Баҳодир Жалолов, Хуршид Тожибоев, Қудратилла Абдуқаҳҳоров ва Шоҳжаҳон Эргашев жаҳоннинг тўрт мамлакатига рингга кўтарилади.



Уларнинг жанги бир кунга тўғри келиши тасодиф бўлиши мумкин, аммо олимпиададан кейинги мусобақаларда, хусусан, жаҳон чемпионатида ўзининг энг ёмон натижасини қайд этган ўзбек бокси учун келаётган шанба кун ibrўни сақлаб қолиш, ўз нуфузини кўрсатиб қўйиш, бошқача айтганда, бокс оламида “БУУМ” қилиш учун имконият бўлиши мумкин.

Баҳодир Жалолов жангни Дубайда ўтказди. Ташкилотчи “Probellum” промоутерлик компанияси Баҳодирни Дубай рингига жалб эта олганидан хурсанд, аммо бизга бу ғурур бағишламайди. Қачонки Баҳодир рингга рақибини яқсон қилиб, сурхонча муштлар билан дўппосласа, ишқибозларнинг ҳовури босилади.

Хавотирми? Ҳа, бор. Баҳодир бу йилги жаҳон чемпионатини ўтказиб юборди. Тадбирларда кўп қатнашди, жамоатчилик ишларида фаол бўлди, спорт формаси қай даражада эканлигини билмаймиз. Лекин, ҳалигача профи боксда енгилмаган ўзбек паҳлавони бу сафар ҳам ғалаба қозонишига ишончимиз катта.

Мухлисларнинг ёқимтойи, агрессив боксчи Шоҳжаҳон ҳам айнан шу кун Тошкентда жанг ўтказди. “Рингдаги раққос” деб ном олган, Марғилон дўпписи билан жанг майдонига кириб келадиган Шоҳжаҳон бу гал Таиланд бокс мактабининг ўрта миёна вакили Кэвмани билан курашади. Менимча, жанг икки

раунддан ортиқ давом этиши – Шоҳжон ва ўзбек бокс мактаби учун минус. Ишонаверинг.

ЎЗБЕКИСТОН ДЗЮДО
ПОЙТАХТИГА
АЙЛАНДИМИ?

Ливан. Байрут шаҳрида ўтган дзюдо бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги Осиё-Океания чемпионатида ёшларимиз биринчи бўлишди. Улар 7 та олтин, 2 та кумуш, 6 та бронза, жами 15 та медаль билан умумжамоа ҳисобида етакчилик қилдилар. Эътиборли жиҳати, ёш спортчиларимиз мамлакатимиз дзюдоси тарихида янги саҳифа очди – аввал бунақаси бўлмаган.

Хулоса шуки, катталар ўртасидаги дзюдо оламига иқтидорли ўзбек ёшлари – Ўрта Осиё йўлбарслари кириб келаяпти. Марҳамат, бошқалар четроққа ўтинг, биз келаяпмиз.

ОҒИР АТЛЕТИКА
ДЕКАДАСИ БОШЛАНДИ

Кеча Тошкентда дунё спорт оламининг энг нуфузли мусобақаларидан бири – оғир атлетика бўйича катталар ўртасидаги 86-жаҳон чемпионати баҳслари бошланди.

Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси хабарига кўра, 86-жаҳон чемпионатида иштирок этиш учун Украина, Бангладеш, Жанубий Корея, Филиппин, Тунис, Таиланд, Малайзия каби йигирмага яқин давлатларнинг терма жамоа аъзолари Тошкентга етиб келишган.

Эслатиб ўтамиз, оғир атлетика бўйича 86-жаҳон чемпионати баҳслари 7-17 декабрь кунлари пойтахтимиздаги “Юнусобод” спорт мажмуасида бўлиб ўтади. Унда дунёнинг 74 та давлатидан 187 нафар хотин-қиз ва 245 нафар эркек оғир атлетикачилар қатнашиш учун талабномаларни тақдим этган.

Аҳамиятлиси, чемпионат баҳсларида Токио, Рио олимпиадаси ғолиблари, жаҳон чемпионлари, турли даражадаги халқаро турнирларнинг ғолиб ва совриндорлари жаҳоннинг энг кучли спортчиси бўлиш учун майдонга чиқишади. “Юнусобод” спорт мажмуасида ўтадиган мурасиз курашлар дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатларида тўғридан-тўғри намойиш этилмоқда.

Тоштемир Худойқулов,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

РЕКЛАМА УРНИДА



Рейтингнинг маркетинг таҳлиллари ва банкнинг узоқ йиллик стратегияси асосида амалга оширилиб, керакли бренд жойлашувига эришиш ва миқозлар ишончини қозониш учун хизмат қилади.

Республикамизнинг йирик тижорат банкларида бири бўлган “Агробанк” АТБ ўз рейтингини эълон қилди. Рейтинг тақдими пойтахтимизнинг “Ўзэкспомарказ” кўргазмалар павильонида ўтказилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз молия-банк тизимидаги ўзгаришлар “Агробанк” фаолиятида ҳам янги даврни бошлаб берди. Бу даврда капиталлашув базаси кескин оширилди, маҳаллий ва хорижий ресурсларни жалб қилиш, иқтисодий тармоқларини фаол кредитлаш борасидаги имкониятлари кенгайди.

Республика банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясига асосан “Агробанк” АТБ фаолияти кичик ва ўрта бизнесни, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан кредит орқали қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш ва кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтириш белгиланган.

Ушбу йўналишда трансформация жараёнларини тизимли амалга ошириш мақсадида Осиё тараққиёт банки ҳамда KPMG компаниялари билан ҳамкорлик қилиниб, банкни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегияси ишлаб чиқилди.

Ишлаб чиқилган стратегиядан келиб чиқиб етакчи маркетинглар билан ҳамкорликда янги бренд жойлашуви ишлаб чиқилди. Унга кўра, “Агробанк” оддий инсонлар учун оддий банк сифатида ўз маркетинг коммуникациясини амалга оширади.

Рейтинг доирасидаги махсуслотлар Россия Федерациясининг “Артемий Лебедев студияси” ва маҳаллий дизайнерларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ишлаб чиқилган.

Тақдим қилинаётган янги белги ва кўришиллар ўзининг соддалиги билан ажралиб туради ва “Агробанк”нинг корпоратив яшил

рангида ишланган. Ташқи трансформация харажатларини минималлаштириш учун филиалларни янгилаш уч босқичда амалга оширилади.

Шунингдек, тақдимот доирасида банкнинг икки йўналишида, яъни давлат дастурлари ижроси ва бизнес йўналишида яратилаётган экотизим элементлари намоёйиш қилинди.

Уларнинг ҳар бири рақамлилаштириш, маркетинг яратиш ва миқозларга онлайн хизмат кўрсатиш воситаларини кўпайтиришга қаратилган. Банк махсуслотларининг негизиде эса миқозлар, уларнинг эҳтиёжлари туради.

Хусусан, экотизим таркибидаги қуйдаги йўналишлар кўрсатилади:

Chakana.uz онлайн савдо майдони. Бу ерда смартфонлар, компьютерлар, офис ва маиший техникаларнинг кенг ассортименти тақлиф этилади ва “Агробанк” миқозлари бир неча дақиқада махсуслотларни кредитга олишлари мумкин;

“Фермерлар мактаби” – қорвачилик ва паррандачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, молия ва ҳуқуқий саводхонлик йўналишлари бўйича назарий ва амалий билимларни берувчи ўқув лойиҳаси;

“Agrobooks” – қишлоқ хўжалиги йўналишида ўқув қўлланмалар жамланмиси;

“Смарт-офис” – миқозларга автоматлаштирилган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш маркази;

“AgroZamin” – қишлоқ хўжалиги махсуслотлари ва хизматларини сотиб олиш ва сотиш платформаси;

“Agro Finance Leasing” – юридик шахслар учун лизинг хизматларини кўрсатиш;

“Leader Finance” брокерлик компанияси бўлиб, у қимматли қоғозлар бозорида барча турдаги хизматларни тақдим этади;

“AgroLab” – ўсимликларни ҳимоя қилиш биологаторияси.

Юлдуз ФАЙЗУЛЛАЕВА,
“Агробанк” АТБ матбуот хизмати
раҳбари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
«ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни,
ҳамкасбларни
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси кун билан
табриклайди!

Фурсатдан фойдаланиб, радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича «Электроманит мослашув маркази» ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилиш лозимлигини эслатамиз.

Бизнинг манзиллар:

Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси,
15-уй, телефон: (71) 202-61-69.

Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси, 33-уй,
телефон: (71) 230-64-65.

Бухоро шаҳри, академик И. Мўминов
кўчаси, 2-уй, телефон: (71) 230-64-66.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси,
46-уй, телефон: (71) 230-64-68.

Нукус шаҳри, Ерназар Алакўз кўчаси,
ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.

Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси,
21-уй, телефон: (71) 230-64-78.

Навий шаҳри, Амир Темур кўчаси,
4-уй, телефон: (71) 230-64-69.

Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси,
8-«А» уй, 2-корпус, 54-хона,
телефон: (71) 230-64-72.

Самарқанд шаҳри, Сельский, Колбоғ,
Радио шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.

Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 28-
уй, телефон: (71) 230-64-79.

Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси,
54-уй, телефон: (71) 230-64-67.

Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси,
30-уй, телефон: (71) 230-64-74.

Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси,
108-уй, 23-хона, телефон: (71) 230-64-77.

O'zbekiston ovozi

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Hayotxon OHTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.


«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 1241. 14100 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —
Topshirilgan vaqti — 22:00.



Газетанинг электрон саҳифасига
ўтиш учун QR-кодни телефонингиз
орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda